

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Qashqadaryo neft-gaz qurilish va ta`mirlash" AJ

Объявление

"QASHQADARYO NEFT-GAZ QURILISH VA TA`MIRLASH" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТАНЛОВ

“Қашқадарё нефт-газ қурилиш ва таъмирлаш” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг танлов асосида саралаб олиш”

Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет-эл давлатлари фуқаролари таклиф этиладилар.

Жойлашиш манзили: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Жайхун кўчаси, 2-уй

Фаолиятининг асосий йўналишлари: Қурилиш ва монтаж ишлари.

Лавозим номи: “Қашқадарё нефт-газ қурилиш ва таъмирлаш” акциядорлик жамияти бошқарув раиси

Вазифалар: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва “Қашқадарё нефт-газ қурилиш ва таъмирлаш” АЖ уставига асосан жамиятнинг барча фаолият турларига умумий раҳбарлик қилиш.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

Олий (юримдик, иқтисодий, техник (муҳандислик)) маълумот;

Тил билиш: давлаттилида эркин мулоқот (чет-эл менежерлари учун шарт эмас);

Акциядорлик жамияти ижро органининг норматив хужжатлари ва лавозим йўриқномаси билан белгиланган мажбуриятларни бажариш учун талаб этиладиган профессионал билим ва кўникмаларга эга бўлиш;

Қуйидаги шахслар номзод бўла олмайдилар:

- Нефтгаз ёки қурилиш соҳасида раҳбар лавозимларда камида 3 йиллик иш стажига эга бўлмаган;

- юримдик шахсининг якка ижроия органи вазифасини бажарган, коллегиял тартибдаги ижроия органи таркибига кирган ёки юримдик шахсининг таъсисчиси бўлган даврда, уларнинг айби билан лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун тегишли фаолият турини амалга ошириш учун такдим этилган лицензиянинг амал қилиши тухтатилса, агар тўхтатилган вақтдан 3 йиллик муддат ўтмаган бўлса;

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлари ёки бошқарув тартибига қарши жиноятлари учун судланганлиги тугалланмаган шахслар;

- юридик шахс банкрот деб топилган вақтда якка ижроия органи вазифасини бажарган ёки юридик шахсининг коллегияли ижроия органи таркибига кирган шахслар, банкрот деб топилган вақтдан 2 йил ўтмаган бўлса;
- Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари ёки Жамиятнинг раҳбари билан қариндошлик муносабатларига эга шахслар.

Танловда иштирок этиш учун ташаббускор томонидан жамиятга тақдим этиши шарт бўлган хужжатлар:

- тақдим этилган хужжатлар рўйхати ва алоқа маълумотлари кўрсатилган ҳолда танловда иштирок этиш учун ариза;
- шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси, меҳнат дафтарчаси нусхаси ёки меҳнат тажрибасини тасдиқловчи хужжат, олий маълумот тўғрисидаги хужжат нусхаси, ҳамда қўшимча маълумотга эга бўлганлиги тўғрисидаги хужжатлар нусхаси;
- Номзод анкетаси (объективка);
- лавозим мажбуриятларини бажаришни тасдиқловчи тиббий маълумотнома;
- Судланмаганлик (ёки судланганлик) тўғрисида маълумотнома ички ишлар органлари ахборот маркази маълумотномаси;
- танлов таклифи (**алоҳида конвертда ёпилган ва клейланган ҳамда имзоланган ҳолда тақдим этилиши шарт**).

Танлов таклифи номзод томонидан ҳақиқатдаги молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилади ва ўрта истиқболда корхонани ривожлантиришни стратегик режаси кўзда тутилган бўлиши керак, бунда:

- корхонани бошқариш бўйича келгуси йилга мулжалланган аниқ режа;
- корхонани вазифаларини самарали ижро этиш ва хатарларни таҳлил қилиш натижалари ҳамда корхона техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф;
- корхонани ривожлантириш учун инвестиция жалб қилиш бўйича таклиф;
- корхонани асосий молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини яхшилаш бўйича таклиф;
- қўшимча қурилиш монтаж ишларини бажариш бўйича аниқ буюртмачи номи, иш қиймати ва муддати кўрсатилган ҳолда шартнома тузиш режаси.

Аризалар 2022 йил 15 январ куни соат 16-00гача қабул қилинади; душанба-жума кунлари 08.00 дан 16.00 гача (махаллий вақт бўйича) Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Жайхун кўчаси 2- уй. Хужжат тақдим этишининг охири куни: 2021 йил 15 январь, соат:16:00. Электрон манзил: kngsr.uz@inbox.ru (mailto:kngsr.uz@inbox.ru), Танловда иштирок этиш ва ўтказилиши билан боғлиқ қўшимча маълумот олиш учун жамиятнинг ходимларни бошқариш ёки акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлимига мурожаат этишингизни сўраймиз. +998915973883, +99899 745-17-41.

29.12.2021

Дата: 09.05.2026